

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗИ САРАТОНИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ, КАСАЛЛАНИШ ВА ЎЛИМ КЎРСАТГИЧЛАРИ

Алтиев Ф. Ф.

Муаллиф, РИО ва РИАТМ Бухоро филиали

Тадқиқот объекти ва мақсади

Тадқиқот объекти сифатида 2019–2023 йиллар давомида Ўзбекистонда қайд этилган қалқонсимон бези саратони ҳолатлари ва ушбу касалликдан ўлим ҳолатлари олинди. Тадқиқотнинг мақсади — GLOBOCAN халқаро онкология маълумотлари ва маҳаллий Республика онкология маркази маълумотларига таянадиган ҳолда қалқонсимон бези саратонининг эпидемиологик ҳолатини таҳлил қилиш, касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини ёш ва жинс омиллари бўйича баҳолаш, ҳамда МДХ ва Европа давлатлари билан таққослашдан иборат.

Тадқиқот услуби

Тадқиқот давомида GLOBOCAN 2020 ва 2022 йиллар ҳисоботлари, шунингдек Республика ихтисослаштирилган онкология маркази маълумотлари асосида статистик таҳлил амалга оширилди. Касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари ёш ва жинс бўйича таҳлил қилиниб, Европа ва МДХ давлатлари билан солиштирилди.

Натижалар

Тадқиқот натижаларига кўра, қалқонсимон бези саратони аёллар орасида анча юқори учрайди. 2019–2023 йиллар давомида касалланиш кўрсаткичларида ўсиш тенденцияси кузатилган. 55 ёшдан юқори ёш гуруҳида ўлим ҳолатлари юқори эканлиги аниқланди. Европа мамлакатларида соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланганлиги туфайли ўлим даражалари паст бўлиб, касаллик эрта аниқланади. МДХ давлатларида эса касаллик юқори даражада қайд этилмоқда, аммо ўлим кўрсаткичлари юқори сақланиб қолмоқда.

Хулоса

Ўзбекистонда қалқонсимон бези саратони бўйича эпидемиологик таҳлил касалликнинг аёллар ва ёши катта аҳоли ўртасида кенг тарқалганлигини кўрсатди. Худудий фарқлар, йод танқислиги ва скрининг дастурларининг етарли эмаслиги ушбу патологиянинг ривожланишига таъсир қилмоқда. Келгусида касалликни эрта аниқлаш, хавф гуруҳларини белгилаш ва эпидемиологик мониторингни кучайтириш зарур.